

18+

ЖАВЛОН ЖЎРАЕВ



ЎЗЛИК САРИ
ЕТТИ ҚАДАМ

2

ҲАҚИҚАТХОН, ТАНИШАЙЛИК...

Жавлон Жўраев
Ўзлик сари етти қадам – 2.
Ҳақиқатхон, танишайлик...

*http://www.litres.ru/pages/biblio_book/?art=39288114
ISBN 9785449372666*

Аннотация

Ушбу китоб мазмуни билан танишиш сизнинг маънавий соғломлашишингизга хизмат қилиши мумкин. Фақат, ҳақиқатлар нисбий эканини билиб яшашни истамаган одамларга уни тавсия қилманг. Бу дунёда Яратувчидан бошқа ҳақиқати мутлақ йўқлигини билишни хоҳламаганлар танловини хурмат қилинг.

Содержание

Муаллифдан	5
Бошладик	8
Душанба – Шахсият	12
Табиий ва орттирилган	12
ОИТС	18
Онг дастурлари	25
Сохта шахсият	31
Сешанба – Муҳимлик	36
Бекиёс таққослаш	36
Конец ознакомительного фрагмента.	41

Ўзлик сари етти кадам – 2

Ҳақиқатхон, танишайлик...

Жавлон Жўраев

– Ҳақиқатхон, жуда хушрўйгина экансиз. Шу сизнинг тенги йўқ чиройингизнинг посбони бўлсам, қаршимасмисиз?

– Йўқ, қаршимасман. Менинг бир умрлик ҳамроҳим бўлишингизга ҳам қаршимасман. Фақат, бир шартим бор.

– Вах, бундай гўзал билан бир умр бирга бўлиши учун ҳар қандай шартга розиман. Айтаверинг, қанақа шарт экан?

– Мени ҳеч қачон ҳеч кимга кўрсатмайсиз...

© Жавлон Жўраев, 2020

ISBN 978-5-4493-7266-6 (т. 2)

ISBN 978-5-4493-7267-3

Создано в интеллектуальной издательской системе Ridero

Муаллифдан

Азиз Китобхон,

Сиз билан қайта дийдорлашиб турганимдан хурсандман. Ўтган суҳбатимиздан бери ҳаётингизда фақат хотиржамлик ҳукм сурган деб умид қиламан. Яна мен билан суҳбатга чоғланибсизми – демак, аввалгисидан кўнглингиз тўлган. Бу ҳар қандай муаллиф учун энг олий мукофот.

Аввалги китобнинг биринчи кунги баёни шахсиятга бағишланган эди. Уни қаранг – ўта фахмлилигимдан, сизга шахсият таърифини бермай кетган эканман ўшанда. Ҳечқиси йўқ, бу сафар шахсият деган ғалати, кўпчиликка нотаниш сўз билан нимани ифодаламоқчи бўлганимни айтиб ўтаман.

Шахсият – алоҳида одам табиати ва ҳаёти ҳақида шу одамнинг ўзи ва бошқа одамлар аниқ факт деб қабул қилган ҳақиқатлар ва ёлғонлар тўплами. Озгина мужмал чиқдиёв. Бошқача қилиб айтганда, шахсият – бу бир одам ҳақида унинг ўзи ва бошқаларга тегишли тасаввур.

Бошқаларнинг сиз ҳақингиздаги тасаввурлари ҳам шахсиятингиз таркибий қисми эканлиги балки сизга унчалик ёқмас, балки бунга ишонмасиз – лекин ҳар ҳолда шундай. Баён давомида бунга ўзингиз ҳам амин бўласиз.

Лекин бизнинг биринчи навбатдаги «тажриба қуёнимиз» – бу ўзимизнинг ўзимиз ҳақимиздаги тасаввуримиз. Аввал ҳам сизга шахсиятнинг шунга ўхшаш таърифини бер-

ганман – сиз борингизча ҳаётда ҳақиқат деб билган нарсаларингиз жамламасисиз. Бу ҳақиқатлар шахсиятимизнинг асосий қисмини ташкил этади – шунга монанд уларга баён давомида каттароқ эътибор ажратаман.

Тўғри, бу сафар ҳам сиз китобга камдан-кам одамга очиқчасига айтган сирларингизни ошкор қилишингизга тўғри келади. Лекин, аввал айтилганидек, у сирлар сиз ва китоб ўртасида қолади. Биз улардан ўзлигимизнинг аввал назар солинмаган хоналарига олиб кирувчи эшиклар дастаги сифатида фойдаланамиз. Албатта, сиз исталган пайтда экскурсияни тўхтатиб, дам олишингиз, ёки агар баён сизни мувоzanатдан чиқараётганини сезиб қолсангиз – ундан батамом воз кечишингиз мумкин. Бу гал мен сизга боблар сўнгида танаффуслар эълон қилиб турмайман – агар биринчи китоб мазмуни билан яхши таниш бўлсангиз, демак сизда энди кучли шахсиятнинг алоҳида жихатлари намоён бўла бошлаган. Бундай одамга эса қачон танаффус қилиб, қачон қайта изланишга киришишни биров айтиши шарт эмас.

Бу галги баён ҳам бир ҳафтага мўлжалланган. Сизга мутола фақат мароқ келтириши учун, китобни ҳафта кунларига қараб боблаганман. Аввал айтганимдек, шу муддат сизга китоб мазмуни билан танишиш ва унда айтилган фиркларни ҳаётга солиштириб кўриш учун етарли бўлади.

Ҳа, айтганча – сизга иш бошиданоқ бир сирни очиб қўймоқчиман (сир айтишни ҳар сафар мен бошлаганим маъқул): . Яна ҳам қизиғи, сиз ҳақиқат деб билган кўп нарса-

лар аслида унчалик ҳам ҳақиқий эмас. Майли, олдинлаб кетмай – ҳамма нарса бир бошидан айтилгани яхши. **сиз китобга айтадиган сирларингизнинг кўпчилиги аслида сир эмас, кўпчиликка маълум нарсалар**

Хўш, ўзлигимиз сари навбатдаги саёҳатни бошладикми?

Бошладик

*«Атиргул айтади очиламан деб,
Чиройлилар чаккасига санчиламан деб,
Чиройлилар чаккасига санчилиб бўлиб,
Бевафолар оёғида янчиламан деб,
«йнанг, қизлар, ўйнанг – кўргони келдик,
Сизлар билан даврон сургони келдик...»
(Тўй лапаридан)*

Биз нимага келганмиз? Айнан сиз нимага келгансиз? Давру даврон сургани келганмисиз бу дунёга? Ёки бошқалар ўйнабқулишини кўрганими? Ҳа бу, ҳеч нарса ҳақида ўйламай, маза қилиб яшагани келган бўлсангиз – нима қилиб ўзингизни, ўзлигингизни кавлаштириб юрибсиз? Бу сизга нимага керак?

Ана холос, китобнинг бошланиши ажойибку деб камида ҳайрон бўлаётганингизни билиб турибман. Лекин хулоса қилишга шошилманг – хулосалар учун китоб сўнгида алоҳида бир боб ажратганман, хотирингиз жам бўлсин.

Сиз билан иккинчи суҳбатдан олдин мен сиздан юқоридаги каби саволларга жавоб олиб олишим керак. Бу галги суҳбат мазмуни қандай бўлиши – ёки, умуман, унинг бўлиш-бўлмаслиги кўп жихатдан шунга боғлиқ.

Хўш, ўзлигингиз – ўз шахсиятингизни тўлиқ ёки деярли тўлиқ англаш сизга нима учун керак? Ҳар қалай, буни сизга

мен ёки яна кимдир айтгани учун қилмаяпсизку? Бу саволга турлича китобхон турлича жавоб беради. Майли, бошқаларни қўйинг – сиз бунга нима деб жавоб берган бўлардингиз? Баённинг давомини ўқишдан аввал, илтимос, шу ҳақида бир оз мулоҳаза қилиб кўрсангиз...

Албатта, барчамиз бу дунёга шунчаки бахтли бўлиш учун келамиз. «Шунчаки» деб соддалаштиришимга сабаб бахт жуда оддий тушунча деб ҳисоблашимдир. Бироқ бошқалар бошқача ҳисоблайди.

Аввалги суҳбатимиздан маълумки, бахт – бу инсон ўз кўнгли истакларига монанд яшаши. Ҳаётингиз қалбингиз ардоғидаги одамлар ҳамроҳлигида ва кўнглингиз тусаган нарсалар иштирокида кечса – бундан ортиқ яна қандай бахт бор, шундай эмасми? Ҳар ҳолда, мен шундай деб ўйлайман. Бироқ бошқалар бошқача ўйлайди бу борада.

Мана энди данагини ҳам ёриб, мағзига етиб келдик. Агар ҳаёт ўз истакларимизга эришиб, лапар айтганидек даврон сургани бағишланиши керак бўлса, биз энг аввало ўша истакларни аниқлашимиз керак. Мана шу ерда ўз шахсиятини тўғри ва етарлича одил баҳолай олиш қобилияти инсонга жуда аз қотади. Чунки истаклар тўғри аниқлансагина уларга эришиш жараёни ва натижасида одам ўзини бахтли ҳис қилади.

Бу ерда мантиқ жуда оддий: истакни тўғри аниқлаш учун ўша истак эгасини яхши билиш керак (ўзингизни яхши билмасангиз – нимани ишташингизни қандай биласиз?). Агар

бунда кишининг ўзлигини англаш қобилияти кетмони билан ерни сескантириб ҳосил оладиган дехқондек абжир ва таб тортмас бўлса – марра уники. Агар у ўзини аксинча «менга тегма ва мен сенга тегмайман» йўсинида иш кўрувчи кекса бюрократ каби тутса – унда... унда нима бўлишини айтиб нима қилдим. Бари бир, буларнинг бари шунчаки менинг нуқтаи назарим, холос. Бироқ бошқалар бошқача назарда қарайди бу нарсаларга.

Демак, биз ўзлигимизни англашга ҳаракат қилиб, ўз бахтимизни ҳис этишга, унинг қўлидан тутганча, бутун ҳаёт йўлини босиб ўтишга интиляпмиз. Кимдир айтиши мумкин – эҳ-э, ўзликни англаш, кўнгилга қулоқ солишни ўрганиш жуда қийин иш, унга бутун умрингни сарфлаб қўйишинг ҳеч гап эмас. Бундай ҳақиқат эгаларига мен фақат бир сирни очибгина жавоб қайтаришим мумкин: . Истакка эришишнинг ўзидан кўра, унга бориш йўлидаги қадамлар бахтнинг юқорироқ чўққилари, умрининг мазмуни. Ахир, асл бахт натижа бўлган эмас – унгина борадиган сафар йўли бўлмиш . **бахт бу натижа эмас – жараёндир** *йлим ҳаётдир*

Ҳа, яна бир гап – сизга мен билан киитоб орқали суҳбат қилаётганингизда ўзингизни ёмон ҳис қилсангиз, бу суҳбатдан воз кечинг деб бежиз айтмайман. Бу ўзимни катта олганимдан ёки сизни бу нарсаларни тушунишга ноқодир деб билганимдан эмас. Шунчаки, бу каби китобларни ўқиш сизнинг истақларингизга зид бўлиши мумкин – мен эса сизни асл истақингизга ва натижа ўз бахтингизга олиб борадиган

йўлингиздан чалғитмоқчи эмасман. Бор-йўғи шу.

Бу суҳбатлардан мен сиздан кўра кўпроқ янги илм ўрганишим ёдингизда бўлсин. Сиз менга мен сизга ўргатгандан кўпроқ нарсаларни ўргатасиз – гарчи буни баъзида билмасангиз ҳам...

Душанба – Шахсият

Табиий ва орттирилган

Бугун мен сизга шахсиятимиз ўзагида турадиган тушунча ҳақида айтиб бермоқчиман. Сиз бугун онг ва унинг таркибий қисмлари билан яқиндан танишасиз. Аввалига, онг нима эканини тахминан бўлса ҳам билиб олайлик.

Онг – бирор жараёни кузатиш, англаш ва унга тегишли муносабат билдириш қобилияти. Қорин очса – овқатланиш, чарчалса – дам олиш, ҳавф туғилса – химояланиш ёки қочиш кераклигини айтиб турадиган «маслаҳатчи» – бу онг.

Одамни бошқа мавжудотлардан фарқлаш учун уни «онгли мавжудот» деб аташади – бу бир оз нотўғри. Барча тирик мавжудотларга онг берилган – табиат барча тирик организмларни яшаб қолиши ва ўзидан насл қолдириши учун зарур билимлар захираси билан тақдирлаган. Дарахт ҳам қачон куртак ёзиб, қачон гул очишни, қайси пайт мева тугиб, қачон уларни ерга тўкишни билади. У ҳам атрофни кузатишни, у яшаётган муҳитдаги ўзгаришларга монанд хатти-ҳаркат қилишни уддалаши учун онг билан яратилган. Ёввойи кийик ҳам бир марта ҳавфга дуч келган жойига қайтиб бормасликка, борса ҳам эҳтиёт бўлиш кераклигига онги етади.

Онг ўз фаолиятини олиб бориши учун, унга атроф муҳит-

даги жараёнлар ҳақида маълумотлар зарур бўлади. Тирик организмларда бу маълумот таъминоти турли хил сезги органлари орқали амалга оширилади. Фақат, у турли жонзотларда турлича бўлади – унисига кучли ҳид билиш қобилияти берилган бўлса, бошқасига ўткир кўз берилган бўлади. Ўсимликларда ҳарорат, ёруғлик, ҳаво намлиги ва бошқа нозик белгилар ўзгаришини аниқ сезиш қобилияти бор. Онг айнан шундай сезгилар орқали олинган маълумотни қайта ишлайди ва шунга қараб иш тутлади.

Биз одамлар ҳам бундан мустасно эмасмиз – бизнинг онгимиз ҳам худди шу тамойилда ишлайди. Аммо бошқа жонзотлардан бизнинг бир фарқимиз бор – бизнинг онгимиз озгина мураккаброқ тузилишга эга. Бизнинг сезгиларимиздан келаётган маълумотлар онгимизга боришида бир воситачи иштирок этади – бу, албатта, ақл. У маълумотлар оқимини тинимсиз кузатиб, тафтиш қилиб, саралаб, баҳолаб, бошқариб туради.

Одамзотга табиат мувазанатни тиклаш учун ақл ато этган. Ўз мавжудлигининг бошида одамзотнинг ҳеч бир сезгиси бошқа мавжудодларникичалик кучли бўлмаган. Бу ибтидоий одамнинг тирик қолиши учун етарли эмас эди – керакли ҳолатда зарур қарор қабул қилиш учун инсон онгига етарлича маълумот етказилмаган. Шу тақчилликни тўлдириш учун, бизга сезгиларимиздан келаётган оз маълумотни таҳлил қилиб, ундан қарор қабул қилиш учун етарли хулосани чиқариб берадиган «мослама» берилган.

Кийикнинг эшитиш қобилияти анча кучли – у атрофида бирор кескин товуш эшитса, орқа-кетига қарамай қочади. Бунда унинг эшитиш сезгисидан келган маълумот тўғридан-тўғри унинг онгига боради ва у эҳтимолдаги ҳавфдан узоқлашишга қарор қилади. Ваҳоланки, бу товушни кийик учун беозор бирор жонзот келтириб чиқарган бўлиши мумкин. Ёки, айтайлик, қуриган дарахт шоҳи синиб тушган бўлиши ҳам мумкин.

Одамнинг эшитиш қобилияти кийикникичалик эмас. Бирок атрофида бирор товуш эшитса, у дарҳол қочишга тушмайди – унинг қулоқлари илғаган товушни аввал унинг ақли таҳлил қилиб беради. Кейин шу таҳлил натижалари онгга қарор қабул қилиш учун етказилади. Бу жараён жуда тез кечади – шунинг учун ақл эшитилган товушни ҳавф белгиси деб баҳоласа, онг керакли чораларни кўриш учун танага буйруқ беришга улгуради.

Инсон ақли ривожланиб боргани сари, у ўзига хос муаммоларни ҳам келтириб чиқарган. энг биринчи, ақл турли сезги органларига турлича аҳамият бера бошлаган (шу ерда ҳам муҳимлик!) – у ўзи учун қулай бўлган сезгиларни юқори қўйган ва онг эътиборини шу сезгилардан келган маълумотларга қаратган. Масалан, одам атрофдан маълумот олишда кўпроқ кўзларига таяна бошлаган. Бунга сабаб кўриш орқали олинган тасвирий маълумот қайта ишлаш учун осон эканидир. Одамзот бошқа сутемизувчилар каби тўрт оёқда эмас, икки оёқда қадини тик тутиб юра бошлаган. Бу

атрофни узоқроқ масофада кузата олиш имконини берган. Кўпроқ маъсулият кўриш қобилиятига топширилгандан кейин, бошқа сезгилар кам ишлатила бошлаган ва вақт ўтиши билан улар яна ҳам сусайган. Масалан, бошнинг ердан узоқлашиши сабаб, ҳид билиш қобилияти деярли керак бўлмай қолган.

Бугунгача биз асосан икки сезги аъзога тобемиз – кўз ва қулоқ. Бошқа сезгилар сусайиши ёки йўқотилиши бизда кўриш ёки эшитиш қобилитини йўқотиш каби катта ҳавотир уйғотмайди.

Одамзотда ҳам, бошқа тирик мавжудодларда ҳам табиатдан берилган бошланғич билим бўлади. Бу дунёга энди келган жонзот тирик қолиши учун заур. Чақалоқ ҳам оч қолса ёки бирор жойи оғриси, йиғлаш кераклигини билади, қаттиқ товушдан ва йиқилишдан кўрқади. Бундай табиий билимлар хотиранинг ҳар қандай таъсирдан холи қисмида сақланади ва улар ҳеч қачон бизни тарк этмайди. *табиий билимлар*

Ҳаёт давомида эса тирик мавжудод турли вазиятларга дуч келади, уларга онгли равишда муносабат билдиради ва шу муносабатларини хотирасига киритиб боради. Шу йўл билан у ўзига қўшимча билим орттиради – ва бу кейинчалик ишлатиш учун хотирага ёзилади. Аммо улар қандайдир омил таъсирида йўқотилиши, янгиланиши ёки ўзгартирилиши мумкин. *орттирилган билимлар*

Ҳайвон ва ўсимликлар хотираларидаги орттирилган билимга вазият тақазо этганда мурожат қиладилар. Бошқа

пайт уларнинг бунга, шунчаки, вақтлари бўлмади. Улар мунтазам сергак турадилар – атроф дунёдан барча сезгилари орқали маълумот олишдан тўхтамайдилар. Чунки уларнинг ҳаёти шунга боғлиқ.

Одамзот эса ўзини турли хил йўллар билан мудофа қилиш чораларини олдиндан кўриб қўйишни ўрганган. Шу боис у мудом атроф дунёдан хабардор бўлиб туриши шарт эмас. Бундай бекорчиликдан нима қиларини билмай қолган ақл сезгилардан келаётган маълумотларни тўхтатиб қўйиб, хотирадаги эски маълумотларни қайта таҳлил қилишга тушади. Шунинг учун ҳаёлларига чуқур кириб кетган одам ёнига биров келганини ҳам сезмай қолиши мумкин.

Сезгилар – деҳқончилик ускуналарига ўхшайди. Улар бизнинг ихтиёримизга фойдаланиш учун берилган. Худди ишлатилмай турган меҳнат қуроллари занглаб қолгандай, улар ҳам қанча кам ишлатилса, шунча ўтмаслашиб, ожизлашиб боради. Шундан, минглаб йиллар мобайнида ақл ўсгани сари, одамзот сезгилари сусайиб келган.

Барча жонзотлар ҳаётининг ҳар бир лаҳзасида сезгилари етказаётган маълумотларни билим қилиб тўплайди, бу билимларни ўз турини мукамалроқ қилиш учун ишлатади. Шу билимлар сабаб, атроф муҳитга мослашувчанроқ бўлади, яшовчанлиги ошади. Бир сўз билан айтганда, ривожланишдан тўхтамайди.

Бошқа мавжудотлардан кўпинча ўзини юқори ҳисоблайдиган одамзот эса минг йиллардан бери ўз наслининг сезги-

лари ўлишига, турли хил хатарларга қарши туриш қобилияти, иммунитетни сусайишига – одамзот деган турнинг табиий ривожланишда орқага қараб кетишига эришмоқда, холос. Ёввойи табиатда ҳеч бир жонзот ўз турига тажоввуз қилмайди – лекин табиий илдизларидан узоқлашган одамзот тарих давомида бир-бирини қириб келади. Бу ҳам бўлса, ақл ҳукмронлиги остида биз тараққиётда орқага қараб кетаётганимиздан дарак эмасми?

Табиий билимлар – яшаб қолиш учун етарли, холос. Тараққиётда илдамлаш учун кўпроқ орттирилган билим даркор. Бунинг учун эса онгимизни ақл ясаб берган олтин қафасдан чиқариб, унга ҳар бир лаҳзадан билим олишга имкон беришимиз керак. Ақл анойи эмас – у ўз тахтидан осонликча воз кечмайди. Лекин, унутманг, уни ҳам биз орттирганмиз – демак, жиловлаш ҳам ўз қўлимизда. Табиий ривожланишда илгари силжишга хизмат қиладиган билимлар – илмдир. Ақлнинг билим устидан тўлиқ ҳукми бор – лекин илм устидан унинг ҳеч бир ҳукми йўқ. Шундай экан, кучли шахс бўлишнинг энг самарали усули – илм орттиришдир.

ОИТС

*«ёки – одам шахсиятидаги унинг тўғри ва баркамол ривожланишига тўсқинлик қулувчи жихатлар фаолияти натижасида келиб чиқувчи ижтимоий зарарли ҳолат» **Орттирилган Илм Танқислиги Синдроми ОИТС***

(шахсий изоҳли лугатимдан)

Тан олиш керак – иммунитет тизимига зарба берувчи ОИВ (одам иммунитетни вируси) ўтган асрнинг энг ҳавфли касаллиги «унвони»ни олишга тўла ҳақли. Бу вирус организмнинг энг муҳим таркиби – химоя воситасига зарар етказди. У ҳудди қамалда тутилаётган шаҳарга яширинча кириб, унинг дарвозаларини босқинчиларга ичкаридан очиб берган жосусларга ўхшайди: у танага тушиб, унда бошқа касалликларнинг кириб келиши ва ривожланиб кетишига қаршилик қиладиган «аскар» қон дончаларига зарба беради. Натижада одам оддийгина грипп ёки бошқа енгил юқумли хасталикдан ҳам ҳалок бўлиши мумкин.

Аммо бу бўлимда биз унинг оғаси бўлган ҳақида суҳбатлашамиз. Иммунитет танқислиги каби илм танқислиги ҳам алоҳида шахс ва бутун жамиятга катта ҳавф туғдиради. *илм танқислиги синдроми*

Келинг, аввал ва тушунчаларини фарқлаб олайлик. Билемизки, одам икки метафизик дунёни ўзида жамлаган – мод-

дият ва маънавият. Моддий дунёга ақлимиз, маънавий дунёга қалбимиз ҳукмрон. Бундан келиб чиқадики, моддий дунёни бойитиш учун тўпланадиган маълумот ва тушунчалар – билимдир. Маънавий юксалиш учун зарур тушунча ва қадриятлар – илмдир. Ҳар қалай, мен шундай тушунаман. Уларни моддий билим ва маънавий билим деб ҳам аташ мумкин.

билим илм

Бугунги кунда моддий билимдан тақчиллигимиз йўқ, Худода шукр. Нима бўлса ҳам, маълумот асрида яшаймиз – бутун бир кутубхоналарни бармоғимиздек келадиган ускунага солиб юрса бўлади. Ўзимизда борини ўзимизда оляпмиз – ўзимизда йўгини замон имкон бергани учун чет элларга бориб эгаллаб келяпмиз. Хуллас, замон талабидаги моддий билимларни эгаллаяпмиз.

Аммо бу билимлар, ўз таърифига кўра моддий дунёни бойитишга хизмат қилади. Иқтисодчи миллатнинг моддий бойликларини кўпайтириш сирларини ўрганяпти, муҳандис моддий жиҳоз ва ускуналар яратяпти, меъмор моддий бинолар қуряпти. Тиббиёт сирларини ўрганиб, жисмоний соғлигимизни мустаҳкамлаяпмиз – кимё ва физика орқали моддий дунё сирларини кашф этяпмиз.

Бироқ маънавий билимлар ҳақида ҳам шу даражада қайғуряпмизми? Маънавий билим учун дунё кезяпмизми? Илм учун ҳаётнинг бошқа фароғатларидан кечяпмизми? Талаб ва тақлиф, элементар зарралар, шифобахш гиёҳлар ҳақидаги билимларга чанқоқмиз – инсонийлик, бунёдкорлик, ватан-

парварлик каби хислатларга эга бўлишга етарлича ошиқяп-мизми?

Албатта, билимга ўчлик қатори, илмга чанқоқлик ҳам ҳар замонда бўлган – ҳозир ҳам бор. Лекин моддият ортидан қувиб, маънавият кўп ҳолларда қаровсиз қолиб кетяпти. Боғимизнинг кўркини очиб тургани гуллар экиладиган жойга ҳам моддий фойда келтирадиган мевали дарахт экиб ташляп-миз.

Моддият ва маънавият ҳақида бир сирни очайми? . Аслида, бу сир эмас – фалсафада идеализм ғояси айнан шу фикр-ни илгари суради. Сизнинг маънавий дунёингиз қанча юксак ва мустаҳкам бўлса – моддий дунёингиз ҳам шунга монанд бой ва сурурли бўлади. Бу таъкидни қанчалик тўғри тушунишингиз шахсий кучингиз даражасига боғлиқ. **Маънавий дунё бирламчи, моддий дунё эса иккиламчидир**

Хўш, илм тақчиллигини нима келтириб чиқаради? Ҳар замонда илм тарқалиши ва одамларнинг маънавий юксалишига тўсқинлик қилган. Бу ақл тимсолида бизда яшайдиган шайтоннинг инсон манфатига қарши қўллайдиган энг тубан қуроли. *жаҳолат*

Жаҳолат – моддий билимлар тақчиллиги эмас. Моддий билимлар етишмаса – саводсизлик келиб чиқади. Бундан одам ва жамият моддий зарар кўради, холос. Аммо жаҳолат – бу маънавий билимлар, яъни илм тақчиллигидир. Бунинг оқибатида одам ва жамиятнинг маънавий соғломлигига зарар етади. Саводсизликдан кўрилган моддий талофат-

ни бартараф этиш нисбатан осон – аммо маънавий йўқотишнинг ўрнини тўлдиришга кўп вақт ва куч керак бўлади.

Илм олишни истамаслик, илмнинг асл баҳоси ва аҳамиятини тўла англамаслик, билимни илмдан устун қўйиш кабилар жаҳолатнинг аломатлари. Кўпчилик тўлақонли бахтли ҳаёт учун кучли ва кенг қамровли билимларнинг ўзи кифоя деб ҳисоблайди. Лекин, гап шундаки, билим қанча кўп бўлмасин, уни керакли ўзанга солиб турадиган илм тақчиллиги моддий билимлардан олиш мумкин бўлган самарани туширади.

Жаҳолат – ўзидан кўпайиш хусусиятига эга. У одам атрофидаги жараёнларни сергак баҳолай олмаслигига сабаб бўлибгина қолмай, одамнинг шахсий ўсишига хизмат қилиши мумкин бўлган илмларни ундан нари тутишга интилади.

Айнан шунинг таъсирида биз илм манбаининг «сифатини» аниқалшга ҳаракат қиламиз. Тўғрида – ҳар ким айтган гапни илиб кетавермайдику одам деган. Йўқ – илиб кетавермасин, ахир, унга фаросат, мантиқ шунчаки совға қилинмаган. Эшитсин, кўрсин, таҳлил қилсин, ҳаётга солиштирсин – кейин хулосасини чиқараверсин. Аммо кўп ҳолатда бизга келадиган билимнинг манбаи арзимас туйилгани учун, ундан олдиндан юз ўгираамиз.

«Фалончи жуда маънили гапларни айтибди» – «Ким экан ўзи у?» – «Аниқ билмайман, аммо ёшгина – ҳали ўттизга ҳам кирмаган» – «Ҳа, ҳали муштдек бола экан, қанақа маънили гап гапириши мумкин?» – «Лекин сиз бир эшитиб кўринг» –

«Э, қўйинг. Ундан кўра, пири комил Фалоний нима деганини айтинг. Ана шундай кўпни кўрган одамларгина маънили гап айтиши мумкин»...

Бу билим манбаини ёшга қараб ажратишга мисол, холос. Одамлар ихтиёрида илминг «нави» қандайлигини аниқлаш учун бошқа кўплаб мезонлар бор: ирқ, миллат, эътиқод, насл-насаб, жинс. Аслида эса илмни ҳар ким ва ҳар нарсадан ўрганса бўлади. Мен кўп нарсани табиатдан – ўсимликлар, ҳайвонлар, табиатдаги турли жараёнларни кузатиб, уларнинг асл моҳиятини англашга ҳаракат қилиб ўрганаман. Шунинг учун фикрларимни асослашда табиатдан мисоллар тез-тез учрайди. Шунингдек, мен ҳеч бир айирмачиликсиз турли одамларни кузатаман, уларнинг мақсад ва интилишлари, ҳаётий фалсафалари ва муаммолари билан қизиқаман.

Кимдир менга «китобларингизда айтаётган ҳамма тамоилларга ўзингиз амал қиласизми?» деб савол берди. Мен, табиийки, «йўқ» деб жавоб бердим. Ўша одамнинг мендан кўнгли қолди. Мен ҳайрон бўлдим – ўқувчилар мендан нимани кутаётганини тушунолмай ҳайрон бўлдим. Муҳимликнинг зиёни ҳақида шунча гапирсам ҳам, одамлар шахсий муҳимлик туйғусига эргашаверганига ҳайрон бўлдим. Агар мен айтганларимнинг ҳаммасига амал қилсам – одам эмас, мукамал мавжудот бўлиб қоламан. Мен ҳам фазилат ва нуқсонлардан иборат оддий одамман. Агар айтаётган тамоилларининг ҳаммасига амал қиладиган мавжудот ёзган китобнигина жиддий қабул қилишга – фақат ундан илм ўрга-

нишга аҳд қилган бўлсангиз, кўрқаманки, илмсиз ўтиб кетасиз. Шахсий муҳимлик туйғуингиз оддий одам улашмоқчи бўлган илмни сизга раво кўрмаса... мен бу борада бир нима дейишдан тийинаман, холос.

Мен илм дўконимни очиб, бисотимдаги бор молларни расталарга териб қўйяпман – кимга нима ёкса, олаверсин деб. Бу моллар турлича – бири кимгадир мос келади, бошқаси – яна кимгадир. Бунда ҳаридорнинг кўнгли ўзи танлаб олаверади. Бироқ агар мен фақат ўзим ишлатадиган молларнигина дўконга қўйсам, расталарнинг ярми ҳам тўлмайди. Мен бу билан ҳаридорни танловдан чеклаб қўйган бўламан. Ундан кейин, бу бир жихатдан манманлик бўлади – фақат ўзим ишлатган молларни таклиф қилиш «менга ўхшаб, менадан ўрнак олиб яшанг» дейиш бўлмайдими? Ундан кўра, энг сифатли молларимнинг барини тортиқ этай – ҳар ким ўз диди, дунёқараши, эътиқоди ва шахсий кучига қараб ўзига мосини, айнан унинг учун фойдалисини танлаб олаверсин.

Илм ҳақида яна бир гапни айтиб ўтишим жоиз. Бошқаларнинг яшаш тарзи ва тамоилларини танқид тарозисига солиб кўриш – илмлилик белгиси эмас. Балки, бу билим кўплигидандир – лекин зинҳор илм кўплигидан эмас. Илмли одам ким ҳақу, ким ноҳақлигини ажратиш учун моддий билимлар етарли эмаслигини яхши англайди.

Менга кўпчилик илм ўргатишни илтимос қилиб мурожат қилади. Лекин уларнинг аксари илм эгаллашга моддий манфатни кўзлаб интиладилар. Шунини билган ҳолда мен уларга

рад жавобини бераман – илмнинг асл мақсадини аниқлаганингизда таклифингизга рози бўлман деб уларни қайтараман. Табиийки, улар бу таъкидимни тушунмайдилар – бунга уларнинг илм ва шахсий куч даражалари етмайди.

Билим кўплиги ҳам жаҳолатга олиб келиши мумкин. Агар одам ўз муҳимлигини мустаҳкамлаш учун билим тўплаган бўлса, у борган сари кўп ва етарли нарса билишига ишониб қолади – бу эса янги билимлар унга келишини қийинлаштиради. Олаётган маълумотларини фойдали-фойдасизга ажратиш учун етарли билимга эгаман деб ўйлашлари уларни кўп ҳолларда энг фойдали билимлардан маҳрум этиб қўяди. Шунинг учун, ҳар доим билимларингиз сақланадиган омбор эшигини очиқ қолдиринг – уни ёпмасангиз ҳам, сизнинг билимларингиз у ердан чиқиб кетиб қолмайди. Қайтамга, янги билимлар ҳеч бир тўсқинликсиз сизнинг измингизга кириб келади. Янги билимлар баъзи эски билимларнинг нотўғри ёки номукамал эканини кўрсатиб бериши мумкин – шунда бу эски билимларни очиқ эшикдан хотиржам кизатиб қўяверасиз. Бунинг номи дейилади. *очиқ фикрлик*

Энди сиз моддий билим ва маънавий илм ўртасидаги фарқни биласиз. Ўз шахсиятингизни маънавий юксакликка кўтарадиган илмлар ортидан қувиш тадбирини ўз ихтиёрингизга қолдираман. Илмнинг ҳам ўзини ўзи ошириш хусусияти бор – унга шундай қилишга имкон берилса бўлгани.

Онг дастурлари

Биз тўплаган билимларни онгимиз хотирамизга дастурлар сифатида киритиб боради. Ҳар қандай янги маълумот билим сифатида хотирага киритилишидан аввал бир неча марта такрорланиши лозим. Қайта-қайта амалда қўлланилиб, хотирага дастур сифатида киритилган билимларгина – ҳақиқий билимдир.

Мендан кўпчилик тил ўрганувчилар бир муаммони ҳал қилишда маслаҳат сўрайдилар – улар чет тилидаги янги ёд олган сўзларини эслаб қола олмаётганларидан шикоят қилдилар. Бунинг сабаби жуда оддий – улар ўша янги сўзларни, шунчаки, маълумот сифатида ёдлайдилар, амалда эса уларни кам қўллайдилар. Бунда маълумот билим сифатида доимий хотирага киритилмайди – у маълум муддатгача қисқа хотирада тутиб турилади ва сўнг унутилади.

Қисқа хотира – янги олинган маълумот билим сифатида доимий хотирага ёзилгунча уни такрорлаш учун маълум муддат тутиб турадиган онг қисми. Баъзида биз уни муддатли маълумотларни сақлаш учун ҳам ишлатамиз. Масалан, ишдан уйга қайтаётганда йўлда дўконга кириб, нон харид қилишни ўйлаб қўйдингиз. Бу маълумот қисқа хотирага ёзилади ва сиз режалаштирилган ишни бажаргунингизгача сақланади. Дўкондан нон сотиб олгандан кейин эса, уни тутиб туришга ҳожат қилмайди ва у ўчирилади.

Қисқа хотира сиғими ҳар хил одамда ҳар хил бўлади. Унинг ҳажми одамнинг сергаклик даражасига боғлиқ – одам қанча сергак бўлса, унинг қисқа хотираси шунча катта маълумотни тутиб тура оладиган бўлади. Аста-секин сергакликни ошириб бориб, қисқа хотира сиғимини ҳам кенгайтириш мумкин.

Қисқа хотирани компьютернинг оператив хотирасига қиёсласа бўлади – унинг ҳам сиғими чекланган бўлгани сабабли, у тўла турганда янги маълумот кириб келса, у энг биринчи ёзилган маълумотларни ўчириб ташлаб янги маълумот учун жой ажратади. Айтайлик, дўкондан нон олишни ният қилгандан кейин ҳам сиз кўп нарсалар ҳақида ўйладингиз. Бунда қисқа хотирангизга янги кирган маълумотлар эскисини суриб чиқаради ва сиз нон олишни унутиб қўясиз.

Қисқа хотирада тутиб турилиб, амалда қайта-қайта қўлланилган маълумот билим сифатида доимий хотирага жойланади. Ана шу билим – ҳақиқий. У ҳеч қачон сизни тарк этмайди. Узоқ пайт ишлатилмаса, хотиранинг улар жойлашган қисмига борадиган йўлни йўқотишингиз мумкин – лекин озгина машқ билан буни дарҳол тузатиб оласиз.

Доимий хотирадан жой олган дастурлар – бу фақат мактаб ёки олий ўқув юртида олинадиган билимлар эмас. У ерга бизнинг одатларимиз, хулосаларимиз, тажрибамиз, комплексларимиз ва ҳатто кўрқувларимиз ҳам дастур сифатида киритилган бўлади.

Ундан кейин, доимий хотира фақат онгда жойлашган бўл-

майди – доимий хотиранинг ўзига хос деб аталувчи қисми бор. Бу ерда тананинг турли ҳолатларда ўзини қандай тутиши, алоҳида ҳаракатларни қандай бажариш кераклиги ҳақидаги дастурлар ёзилган бўлади. Масалан, ҳали юришни билмаган гўдак аста-секин атта-поя қилишни бошлаганда, унинг танаси янги тур ҳаракатларга аввал кўникади. Қайта-қайта такрорлангандан сўнг эса бу ҳаракатлар тана (ёки мускул) хотирасига дастур сифатида ёзилади ва бола юришни ўрганиб олади. *тана хотираси*

Онг дастурлари жуда-жуда фойдали нарса. Улар бизнинг аралашувимизсиз ҳам керакли хатти-ҳаракатларни ва жараёнларни амалга оширади ва бизни ҳамма нарсани мунтазам назорат қилиб туриш мажбуриятидан ҳалос қилади. Бу худди замонавий тайёралардаги автоматик бошқарувга ўхшайди.

Масалан, сиз бирор зинапояга яқинлашганингизда аввал қайси оёғингиз билан унга қадам қўйишингизни ўйламайсиз – буни танангиз ўз-ўзидан қилаверади. Тана хотирасидаги дастур зинагача масофани тахминан ҳисоблаб, қайси оёқ биринчи зинага қадам ташлашини олдиндан аниқлаб бўлади ва шунга монанд иш тутади.

Аммо, афсуски, доимий хотирадаги барча дастурлар ҳам бу каби фойдали эмас. Биз ўзимиз билмаган ва истамаган ҳолда у ерда зарарли дастурларни ҳам ёзиб қўямиз. Булар, одатда, ижтимоий кўрқувлар ёки комплексларга тегишли дастурлардир.

Масалан, биз катталар бола тарбиясида кўпинча бир зарарли дастурни унинг онгига ёзиб қўямиз – кулоқсизлик қилса, уни доктор билан кўрқитамиз. Натижада, болада шифокорларга нисбатан ижтимоий кўрқув ҳосил бўлади ва у оқ кийим кийган ҳар қандай одамни кўрганда шу зарарли дастур таъсирида ваҳимага тушаверади.

Бахтга қарши, болаликда бизга сингдирилган зарарли дастурларни ўзгартириш ёки ўчириб ташлаш жуда қийин. Яхшиси, бола тарбиясида унинг онгида бундай дастурлар пайдо бўлишига йўл қўймаган маъқул. Агар бу дастурлар кейинги ҳаётда катта муаммога айланса (масалан, болаликда орттирилган ижтимоий кўрқув кейинчалик фобияга айланиб кетса), бунга психолог ёрдамани жалб этишга тўғри келади. Бунда икки усулдан бири қўлланилади: биринчиси – одамни кўрққан нарсаси билан юзлашишга мажбурлаб, унга ўз кўрқувини енгиб чиқишга ёрдам берилади; иккинчиси – одам онгида зарарли кўрқув дастурининг таъсирини енгиб кетадиган янги бир дастур яратилади (бошқача қилиб айтганда, одам фобия таъсирига қарши эмланади). Биринчи усул бир оз хавфли, лекин анча самарали. Иккинчисиде самара камроқ – аммо киши саломатлигига зарар етиши эҳтимоли ҳам кам.

Болаликдан қолган дастурлардан фарқли ўлароқ, ўсмирлик ва катталиқда орттирилган зарарли дастурлардан қутулиш анча осон. Бунинг учун одамдан озгина жасорат ва сергаклик талаб этилади. Шахсиятдаги турли зарарли ком-

плекс ва қўрқувлардан ҳалос бўлиш учун, одам юқорида таърифланган икки усулдан бирини қўллаши мумкин. Бунда биринчи усул (яъни муаммо билан очик юзлашиш) қўрқувларни бартараф этишда кўпроқ самара беради. Қўрқувлардан батамом қутулмагунча, уларнинг таъсиридан ҳоли бўлиш мушкул – шунинг учун ҳам эмлаш усули бу ерда самара бермайди.

Иккинчи усулни комплекслар билан курашда ишлатса бўлади. Масалан, нуқсонлилик комплексига қарши киши ўз шахсиятини бошқаларга солиштирмаслигини таъминловчи янги дастур киритиш мумкин. Бунда янги шифодастур комплекс зарарини бартараф этади ва одам ҳаётини енгиллаштиради.

Янги дастур яратиш тамоили, аввал айтилгандек, жуда оддий – одам маълум муддатгача қисқа хотирасида янги дастур қоидасини тутиб туради ва онгли равишда уни қайта-қайта ҳаётда қўллайди. Вақт ўтиб, бу қоида дастур сифатида доимий хотирага ёзилади – яъни одам ўзига буни одат қилади. Одатга айланган дастурлар эса диққат назоратсиз ҳам ўз ишини бажараверади.

Мана, сиз ўз онгингизни кераксиз дастурлардан тозалаш ва уни янги фойдали дастурлар билан бойитиш сирлари билан танишиб олдингиз. Бу жараёндаги энг катта ёрдамчингиз – сизнинг сергаклигингиз бўлади. Онгингиз устудан назоратингиз кучли дегани – ўз шахсиятингиз устидан ҳукмингиз катта деганидир. Кучли шахсиятни тарбиялашни онг

дастурларини тафтиш қилишдан бошлаш лозим.

Сохта шахсият

Онгимизга турли хил дастурларни киритувчи қурол – бу, албатта, ақл. У сизнинг ягона дастурчингиз деса ҳам бўлади. Тўғри – онгимизда ақл киритмаган дастурлар ҳам бор. Булар туғма дастурлар ва улар бизга табиатдан ато этилган. Бахтимизга, ақл уларга даҳл қила олмайди – улар ақлдан аввал яратилган.

Турли дастурлар қатори ақл онгимизда бизнинг шахсиятимизни белгиловчи дастурларни ҳам шакллантириб боради. Улар бизнинг у ёки бу нарсага ёки, умуман, ҳаётга муносабатимизни, ўзимизга бўлган ишонч ва ҳурмат ҳиссини, шахс сифатида атрофдагилар билан муносабатларимизни ва бошқа жихатларни белгилайди. Ана шу дастурлар йиғиндиси – одам феъл-атворини ёки ташкил қилади. *характерини*

Афсуски, ақл номукамаллиги сабаб, бу дастурлар орасида ҳам «чала» ёки зарарлилари мавжуд. Ақл тузган шахсият кўп ҳолларда асл шахсиятдан анча йироқ бўлади. Буни одам турли ҳаётий вазиятлар таъсирида ақл ҳукмидан вақтинча қутулганда сезиш мумкин. Масалан, қаттиқ кўрқитилган ҳолатда ёки ўта иложсиз қалтис вазиятларда одамнинг ақл ясаб берган сохта табиати яшириниб, унинг ҳақиқий характери юзага чиқади.

Одамнинг асл табиати уч хил сабабга кўра юзага чиқиши мумкин. Биринчиси – ўлим ҳавфи: одам ўлим билан юзма-

юз келганда ақл бошқарувидан айрилади. Бунда одам онгига табиат киритиб қўйган дастурлар одамни ҳавфли вазиятдан омон олиб чиқиб кетиш учун ақлни атайлаб «ўчириб» қўядилар – ўлим ҳавфи туғилган ҳолда ақлга фикр ўйинини давом эттиришга имкон берилса, тана вақтида керакли ҳаракатларни бажаришга улгурмай қолиши мумкин. Ўлим билан юзмаюз келган ҳар қандай одам бу лаҳзани «фикрсизлик» ҳолати деб атайди – диққатни бир фикрга қаратиб турувчи ақл чекингач, бирданига ҳамма хотиралар диққат доирасига кириб қолади ва одамга худди бутун умри кўз олдидан ўтгандек туюлади.

Катта ҳавф таъсирида ақл бошқарувни қўйиб юборган ана шу ҳолатда одамнинг асл шахсияти намоён бўлади. Кучли шахс бунда бошқача, ожиз одам мутлақо бошқача йўл тутади. Ваҳоланки, кучли шахсият эгаси бутун умри давомида ақлининг гапига ишониб, ўзини ожиз деб билган бўлиши, ожиз шахсият эгаси эса ўзи ҳақида асоссиз юқори фикрларга бориб юрган бўлиши мумкин.

Одамни ақл ҳукмидан озод этиб, унинг асл табиатини намоён қиладиган иккинчи ҳолат – бу чин севгидир. Бу кўпчилигимиз севги деб биладиган, аслида эса кўнгил эмас ақлнинг буйруғи билан юзага келган тобеълик муносабати эмас – айнан ҳақиқий табиий севги бўлиши лозим. Ана шундай соф мухаббат одам шахсиятини ақл таъсиридан олиб чиқиб кета олади. Шунда севиб қолган одам мутлақо бошқача табиат эгаси экани юзага чиқади. Севги таъсирида одам-

ларнинг кескин ўзгариши ана шундан. Зўравон кўча безори-
си бўлиб юрган йигит севиб қолса – у аслида жуда кўнгил-
чанг ва раҳмдил романтик экани ошкор бўлади.

Ақлнинг сунъий шахсиятини эмас, табиат берган асл шах-
сиятни таниб олишнинг яна бир йўли – шахсий ривожла-
нишда анча илгарилаб, ақл таъсиридан чиқиш учун етарли-
ча аҳд кучи жамлашдир. Бунда эркинликка ўлим ҳавфи ёки
севги қудрати турткиси билан эмас, меҳнат-шижоат билан
эришилади. Одам сергак ҳаёт кечириб, ўз шахсиятини му-
стаҳкамлаб боради ва бир кун келиб ўзида ақл тазийқидан
озод бўлишга етарли куч топа билади. Тўғри, бу ўлим ҳавфи
ёки сеvgи иштирок этган ҳолатдагидек тез содир бўлмайди –
бунга кўп йиллар кетиши мумкин. Лекин бу усулда эриши-
лган эркинлик узоқ муддатли, агар сергаклик йўқотилмаса –
доимий бўлади. Ўлим ҳавфидан келган эркинлик шу ҳавф
баргараф бўлиши билан одатда барҳам топади ва ақл қай-
та ўз ўрнини эгаллайди. Севгида ҳам шундай – севган одам-
га нисбатан кўнгил совуши билан, муҳаббатнинг эркинлик
ато этувчи кучи йўқолади ва саҳнага яна ақл чиқиб келади.
Қалб эса нобуд бўлган ишқнинг азасини тутиб, парда ортига
чиқиб кетади.

Ақл сиз учун яратган сохта шахсиятни сизга рол қилиб
бириктириб қўяди. Бу ролдаги қаҳрамон бахтли ёки бахт-
сиз, кучли ёки ожиз, муҳим ёки қадрсиз бўлиши мумкин. Бу
рол сизга ёқмаслиги, унинг яшаш муҳити, шароити, усулла-
ри, тамоиллари сизга мос келмаслиги мумкин. Лекин сиз бу

ролдан воз кеча олмайсиз – чунки ўзингиз сиз учун рол танлаш ҳуқуқини ақлга берадиган шартномага имзо чеккансиз.

Бу бузғунчи шартномани бекор қилиш учун сизга озгина сергаклик ва анчагина шахсий куч керак. Сергакликнинг бадали – муҳимликдан қутулиш бўлса, шахсий кучнинг асоси бўлган ҳаётий қувватни ошириш – яшаш тарзи ва ҳаёт билан олди-бердиларни маромга келтириш ҳисобидан бўлади.

Сухбатимиз мазмуни нотўғри ўзанга кетиб қолмасидан, сизни бир нарса ҳақида огоҳлантириб қўяй. Ақл келтириши мумкин бўлган зарарларни сизга етказиш илинжида уни таърифлашда ишлатган ибораларимга алданиб, ақл мутлақо шум нарса экан деган ҳаёлга бориб қолманг. Ақл – жуда ҳам фойдали ва керакли қурол. Баён бошида у бизга табиатдан бошқа заифликларнинг ўрнини тўлдириш учун атайин берилганини айтганимни эсланг.

Лекин, ҳар нима бўлганда ҳам, ақл қолиши лозим. У – бошқарувчи эмас, бошқарув қуроли, воситаси. Агар у керакли жойда ва керакли йўсинда ишлатилса, жуда катта ва бунёдкор ишларни қилиши мумкин. Аммо уни бошқарувга яқин келтирилса – у каттагина ишқалларни ҳам келтириб чиқаради. У ўзи табиатдан бошқарувга мойил. Шу боис, унга у аслида бир қурол эканини эслатиб, уни сергакликка қайтариб туриш керак. *қуроллигича*

Мен эса сизга бу асов отни ўз измингизга солиш учун зарур амалларни баҳоли қудрат баён этаман. Фақат, шуни унутмангки – мен айтаётган усуллар атиги юзлаб усуллар

орасидан танлаб олинган намуналар, холос. Умумий тамоилни билиб олсангиз – усул танлаш ҳеч гап эмас. Сиз ҳатто ўзингиз янги усул ишлаб чиқиб, уни самара билан қўллашингиз мумкин.

Адолат юзасидан айтишим мумкин – сизга баён қилаётган барча сирларимни кашф қилишда менинг ақлим бевосита иштирок этган. Мен ундан жуда ҳам мамнунман. Мамнунман – лекин уни қаттиқ назорат остида тутиб тураман. Тан оламан – ҳар доим ҳам бунинг уддасидан чиқмайман (менга асов отларнинг ҳам энг асови берилган), лекин у издан чиққанда ҳам сергаклик уни яна жойига қайтаришга ёрдам беради. Шу катта хизмати учун ҳам сергакликни доим ҳаммага тавсия қиламан.

Худди ана шу сергакликни йўқотмаган ҳолда, ўзлигимизни тадқиқ этишда давом этамиз. Навбатда ақлнинг энг оғир ҳасталиги – муҳимлик ҳақидаги суҳбат. Қани, ўзларидан бўлсин.

Сешанба – Муҳимлик

Беқиёс таққослаш

« – бошиқа одамларнинг ютуқ ва хатоларини, фазилат ва камчиликларини, диний ирқий миллий эжинсий ёки гоаявий хусусият ва ўзига хосликларини борича қабул қила олмаслик ҳолати» Бағриторлик (шахсий изоҳли луғатимдан)

Муҳимлик – жуда бадавлат туйғу. У ақл қарамоғи остида жуда кўп куч-қудрат ва тарафкашлар орттирган. Унинг шахсият салтанатидаги таъсири жуда катта. Лекин ҳар қандай кучли туйғуни ҳам унинг қудратини таъминлаб турадиган васийларидан маҳрум қилиб енгиш мумкин. Биз ҳам шундай йўл тутамиз – бу бўлимда муҳимликнинг энг яқин ва содиқ тарафкашларидан бирини ўзимиз томонга оғдириб оламиз.

Танишинг, – шахсий муҳимлик туйғусининг арзандаси. Унинг мавжуд бўлишдан биргина мақсади – муҳимликни ошириш. Бирор ким ёки нарсага берилган ортиқча ёки ўта паст баҳоларга айнан унинг тамғаси босилган. У ақлнинг қозихона бўлимида ўтириб олиб, ҳамма нарсанинг «асл» баҳосини аниқлаш билан шуғулланади. *таққослаш*

Биз ҳар доим бирор одам, нарса ёки воқеага уни шунга ўхшаш ёки қарама-қарши шахс, буюм ёки ҳолатга таққослабгина баҳо берамиз. Бунинг натижасида ҳаётимизда иштирок этаётган (баъзан эса умуман мавжуд бўлмаган) тушунчалар аҳамиятлилик, кераклилик, диққатга ёки хурматга арзишлик, қадрилилик, муқаддаслик ва бошқа минглаб мезонларга асосан турли токчаларга сараланади. Бунда таққослаш баҳосидан яхши ўтган тушунчалар муҳимликнинг кўз олдида бўлган юқори токчалардан, тасдиқдан ўтолмаганлари эса биз аҳамият ҳам бермайдиган энг қуйи токчалардан жой олади.

Уйингиздаги буюмлар ёки жавонингиздаги китобларни кўп ишлатишингиз ёки қийматига қараб шундай тартиблаб қўйганингиз жуда яхши – бу сизга керакли нарсани керакли жойдан топишга ёрдам беради. Албатта, энг кераклилар шундоқ қўл остингизда бўлади, сиз ҳам тез-тез уларни кўриб, чангларини артиб турасиз.

Лекин, нимагадир, биз ҳаётимиздаги одамлар ва қадриятлар билан ҳам ҳудди шу йўсинда иш тутамиз. Бизга керакли ва қадрилигига қараб биз муомалада бўладиган шахслар шундай токчаларга сараланган бўлади. Бу бизга нимага керак экан? Тез-тез «ишлатиб» турадиган одамлар «қўл остида» бўлиши учунми? Ёки умуман «ишлатилмайдиган»ларини кўздан нари қилиш учунми?

Бу синфларга ажратиш ўша одамларни бир-бири ёки ўзимизга таққослаш йўли билан амалга оширилади. Кимдир

бизга ёки кимгадир нисбатан ақллироқ, бойроқ, обрўлироқ, кучлироқ ёки қандайдир бошқа афзалликка эга – демак, ўша кимдирнинг баҳоси ва аҳамияти юқорироқ. Ҳа буниси эса ҳеч бир устунликка эга эмас – унинг борлигини ва муносабатини унча муҳим ҳисобламаса ҳам бўлаверади.

Таққослаш якка одамда шахсий муҳимлик туйғусини авж олдирса, бир гуруҳ одамларда ўзига хос ривожлантиради. Бу бир гуруҳ ёки тоифа одамлари бошқа гуруҳ ёки тоифадан ўзларини юқори ҳисоблашларига олиб келади. Маҳаллийчилик, миллатчилик, ирқчилик ва бошқа ҳар қандай турдаги айирмачилик ана шундай ижтимоий муҳимлик туйғусидан келиб чиқади. *ижтимоий муҳимлик туйғусини*

Миллий ғурур деган жуда нозик тушунча бор. Уни ҳар хил одам турлича тушунади. Лекин ким нима деб тушинишидан қатъий назар, агар миллий ғурур ўз миллатини бошқа элатларга таққослаш асосида шакллантирилган бўлса – бу миллий ғурур эмас. Бу миллий муҳимлик, бу – миллий манманлик. Сиз ўз миллатингиздан фахрланишингизга уни бошқа милларлардан устун ҳисоблашингиз сабаб бўлмаслиги керак. Агар шундай бўлса – Адолф Гитлердан кўп нарса ўргангансиз демак.

Ўз миллатидан фахрланиш учун таққослашсиз ҳам асос жуда етарли. Аввало, мен шу миллат яшайдиган гўзал ва мен учун қадрли заминда дунёга келганим. Ўз қарашларим ва орзуларимни шу миллат тилида айтишни ўрганганим. Шу миллатнинг бунёдкор бўлишга ундайдиган маданияти ва урф-

одатлари таъсирида ўсибулғайганим. Ва бошқа кўплаб асослар. Агар ўйласа, қайсидир миллат вакили бўлишдан ғурурланиш учун қиёслашсиз ҳам кўплаб асослар топса бўлади.

Лекин, бундоқ олиб қараса, сизга ўз миллатингиздан фахрланиш учун асос бўлиши шартмикан? Шунчаки, шу миллат вакили бўлиб туғилганингиз етарли эмасми? Агар миллатингизни шартсиз сева олсангиз – ана шунда шу миллатнинг асл вакилиман деб ғурурланишга тўла асосингиз бўлади.

Ўз миллатини шартсиз сева билмаган ва ўз миллатидан уяладиганлар ҳам бор. Бу танганинг бошқа томони – ўз миллатидан норози бўлиш ҳам уни бошқа элатларга таққо-слаш натижасида келиб чиқади. Қайсидир миллатнинг ўзларига ёққан одатларини ўз миллатида топа олмаган (ёки, энг ёмони, кўра билмаган) одамлар билан ҳамсухбат бўлганман. Улар одамларда ҳам, бутун бир миллатларда ҳам замон тақазоси билан мавжуд бўлган камчиликларни борича қабул қила олмайдилар.

Миллий муҳимликка ўхшаб, ирқий муҳимлик, маҳаллий муҳимлик (шаҳарликлар қишлоқликлардан ўзларини муҳим ҳисоблашлари ёки аксинча қишлоқ аҳолисининг шаҳарликларга салбий муносабати) каби ҳолатлар ҳам кўплаб номаъқул натижаларга олиб келади. Диний муҳимлик ҳақида эса умуман гапирмаган маъқул – ўтмишда Усмонли туркларнинг Европа халқларига қилган зуғмларию, Салб юриши рицарлари мусулмон халқлари бошига солган кунлар

бу турдаги муҳимлик нималарга қодир эканини кўрсатиб ул-
гурган.

Конец ознакомительного фрагмента.

Текст предоставлен ООО «Литрес».

Прочитайте эту книгу целиком, [купив полную легальную версию](#) на Литрес.

Безопасно оплатить книгу можно банковской картой Visa, MasterCard, Maestro, со счета мобильного телефона, с платежного терминала, в салоне МТС или Связной, через PayPal, WebMoney, Яндекс.Деньги, QIWI Кошелек, бонусными картами или другим удобным Вам способом.